

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҲАЖИБАЕВ ҚУВВАТ ҒАНИЕВИЧ**

**ОРОЛ ДЕНГИЗИ *ARTEMIA* ЦИСТАСИ ОҚСИЛ ТАБИАТЛИ  
БИРИКМАЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА БИОЛОГИК  
ФАОЛЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по  
химическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Ҳажибаев Қувват Ғаниевич**

Орол денгизи *Artemia* цистаси оқсил табиатли бирикмаларининг кимёвий таркиби ва биологик фаоллигини тадқиқ қилиш..... 3

**Ҳажибаев Қувват Ғаниевич**

Исследование химического состава и биологической активности соединений белковой природы цист *Artemia* Аральского моря..... 21

**Khajibayev Kuvvat G'aniyevich**

Investigation of the chemical composition and biological activity of compounds of protein nature of the cysts of *Artemia* of the Aral Sea..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҲАЖИБАЕВ ҚУВВАТ ҒАНИЕВИЧ**

**ОРОЛ ДЕНГИЗИ *ARTEMIA* ЦИСТАСИ ОҚСИЛ ТАБИАТЛИ  
БИРИКМАЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА БИОЛОГИК  
ФАОЛЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/К351 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сahифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

|                     |   |
|---------------------|---|
| Илмий раҳбар:       | Ошпенкова Юлия Игоревна<br>кимё фанлари доктори, катта илмий ходим  |
| Расмий оппонентлар: | Гафуров Махмуджон Бакиевич<br>кимё фанлари доктори, катта илмий ходим<br>Рамазовов Нурмурад Шералиевич<br>кимё фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот:    | Илгор технологиялар маркази   |

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.К/В.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 07 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (238 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «30» «06» да тарқатилди.  
(2021 йил 30.06 даги 2 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Н.Салихов

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Ш.А.Шомуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д.

М.Б.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қосидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сўнгги йилларда озиқ-овқат саноатида функционал овқатланиш деб аталадиган янги йўналиш кенг ривожланмоқда. Бу танани зарур озиқ моддалар, шу жумладан турли хил биологик фаол озиқ-овқат кўшимчалари билан бойитилган ҳолда соғлиқни яхшилаш ва сақлашга катта ҳисса кўшмоқда. Буларга ҳайвон оқсилга бўлган эҳтиёжининг 25% таъминлайдиган маҳсулотлар киради, улар инсон овқатланишида муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, *Artemia* цисталари таркибида 40% дан ортиқ умумий оқсил ва биологик фаол моддалар мавжуд бўлиб, ундан фойдаланиш кўплаб биологик фаол кўшимча (БФҚ) ларни, функционал озиқ-овқат маҳсулотларини яратишга имкон беради. Бундан ташқари *Artemia* цисталаридан фойдаланиш ветеренария препаратлари, парфюмерия, косметология ва гигиена воситалари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунёда озиқ-овқат хом ашёси ҳамда маҳсулотларини ишлаб чиқариш инқирози ва мамлакат аҳолисининг аксарият қисми сотиб олиш қобилиятининг кескин пасайиши натижасида юзага келадиган рационал овқатланиш бузилишининг олдини олиш мақсадида табиий манбалардан БФҚ ларни ажратиш уларнинг структура ва фаолликларини тадқиқ этиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада БФҚ ажратиш олишда: *Artemia* цистаси сифатининг органолептик ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш; оқсил-пептид компонентларни ажратиш ва уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш; ажратилган компонентларнинг биологик ва фармако-токсикологик фаолликларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг айрим гуруҳлари учун терапевтик ва профилактика мақсадларини ўз ичига олган анъанавий турдаги юқори сифатли, гигиеник хавфсиз маҳсулотларни яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш...<sup>1</sup>» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Орол денгизи *Artemia* цисталари таркибидаги биологик фаол моддаларни тадқиқ этиш, уларни ажратиш, тозалаш, тузулиши ва биологик фаоллигини ўрганиш, улар асосида самарали озиқ-овқат кўшимчалари ҳамда янги дори-дармонларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хориж олимлари Tingjun Fan, Jing Wang, Wenpeng Yuan, Qiwan Zhong, Ying Shi, and Rishan Cong, *Artemia* хорионидан ўзига хос субстрат сифатида фойдаланиб, *Artemia salina* цистасидан чиқадиган ферментларни ажратиш, гель фильтрацияси ва ион алмашину хроматографияси билан тозалаш, биокимёвий ва ферментатив таснифлаш ишлари олиб борилди. V.E.Herawati, J.Hutabarat, O.K.Radjasa муҳим аминокислота ва ёғ кислоталарининг профилини ўрганиш орқали, *Artemia sp.* цисталари сифатини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар ўтказилди.

*Artemia* экстрактлари косметологияда қуёшдан химоя қилишда ва қаришга қарши восита сифатида қўлланилади. A.Deezagi, A.Chashnide, N.V.Nagh инсон лейкемия хужайраси HL-60 ёрдамида хужайраларнинг ўсишига фарқланишига ва апоптозига таъсир қиладиган оксилларни *Artemia Urmiana* дан ажратиш ва тозалаш ишларини олиб бордилар.

МДХ давлатлари олимлари Оразова С.Б., Шарапова Л.И., Бекетов К.К., Сержанова С.С., Омирбеков Н.Ж. томонидан қисқичбақасимон *Artemia sp.* ва унинг цисталари Павлодар вилоятининг баъзи тузли кўллари популяциясининг биомассасининг биокимёвий таҳлили ўтказилган.

Республикада Катта Орол денгизи зоопланктонининг фаунаси, экологиясини, Марказий Осиё минтақаси, Қозоғистон ва Сибирь тузли кўлларида яшовчи *Artemia* турларини қиёсий ўрганган Табиий фанлар институти (Мусаев А.К) ва Биоорганик кимё институти олимлари (Ощепкова Ю.И) ушбу соҳа ривожланишига катта хисса қўшганлар.

Маҳаллий ва хорижий илмий изланиш натижалари Орол денгизи *Artemia* цистаси оксил ва пептидларининг физик-кимёвий хусусиятларини уларни кейинча

лик қўллаш мақсадида ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ва Биоорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ТА-ФА-А11-005 «*Artemia salina* цистасини комплекс технологиясини ишлаб чиқиш, тиббий ва косметик воситалар яратиш» (2017-2018 й.й.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Орол денгизи *Artemia* цистасидан оқсил-пептид компонентлар ажратиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, биологик фаоллигини, озиқ-овқат саноати ва тиббиётда фойдаланиш истиқболларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Орол денгизи *Artemia* цисталарининг умумий кимёвий таркибини Қозоғистоннинг Павлодар вилоятидаги тузли кўлларнинг цисталари билан таққослаб ўрганиш;

Орол денгизи *Artemia* цистаси сифатининг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш;

Орол денгизи *Artemia* цистасидан оқсил-пептид компонентларни ажратиш ва уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш;

ажратилган компонентларниг биологик ва фармако-токсикологик фаолликларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Орол денгизиде яшовчи *Artemia* қисқичбақаси цистаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Орол денгизи *Artemia* қисқичбақаси цистасидан олинган оқсил-пептид компонентларининг, физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллигини тадқиқ қилиш ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида экстракция усуллари, моддаларни ажратиш ва идентификациялаш (ИК-спектроскопия, колонкали хроматография, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), хромато-масс-спектрометрия, оқсилларнинг протеом таҳлили, электрофорез, LC-MS спектрометрия) ва тажриба ҳайвонларидаги фармако-токсикологик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қозоғистоннинг Павлодар вилояти тузли кўлларидаги *Artemia* турлари билан Орол денгизи *Artemia* цисталарининг умумий кимёвий таркиби таққосланиб аниқланган;

Орол денгизи *Artemia* цисталаридан кўплаб биологик жараёнларни тартибга солувчи Полиубиквитинга ўхшаш оқсилларга гомолог бўлган оқсиллар идентификацияланган;

илк бор Орол денгизи *Artemia* цисталаридан ривожланишнинг дастлабки босқичида ва стресс реакциялари мавжуд бўлганда турли хил хужайра функцияларида ва оқсил синтезини тартибга солишда иштирок этадиган элонгация омили, актин, иссиқлик зарбаси оқсилларига гомологик бўлган оқсиллар идентификацияланган;

оқсил-пептид компонентлари иммуностимуляция қилувчи ва антигипоксик хусусиятга эга эканлиги, келиб чиқиши турлича бўлган гипоксияга чидамлилигини ошириши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Орол денгизи *Artemia* цисталари таркибида сунъий шароитда ўстирилган балиқ ва қисқичбақасимонлар ўсиши, ривожланиши ва вояга етиши учун зарур бўлган жуда кўп миқдорда оқсил, углевод, липидлар мавжудлиги ва самарали бошланғич озуқа сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

Орол денгизи *Artemia* цисталарининг асосий органолептик, кимёвий ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш бўйича ҳужжат ишлаб чиқилган;

Орол денгизи *Artemia* цисталаридан ажратилган, биологик жараёнларни тартибга солиш механизмларида иштирок этадиган бир қатор оксиллар аниқланган;

фармако-токсикологик усуллар ёрдамида Орол денгизининг *Artemia* цисталарининг оксил-пептид компонентлари тирик организм иммун тизимига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши аниқланиб, катта эмоционал ва жисмоний стресс ҳамда моддалар алмашинувини тўғрилайдиган препаратлар қабул қилувчи спортчилар учун озукавий кўшимчалар яратишда мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** таҳлилнинг замонавий физик-кимёвий ва биологик усуллари; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманларда, шунингдек рецензияланган илмий нашрларда элон этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Орол денгизи ва Қозоғистон тузли кўллардаги *Artemia* цисталарининг умумий кимёвий таркибини таққослаш таҳлили ўтказилганлиги ва тирик организмда содир бўладиган биологик жараёнларни тартибга олувчи оксилларни ажратиб олиш амалга оширилгани ҳамда асосий фармакологик хусусиятлари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Орол денгизи *Artemia* цисталарининг кимёвий таркибини ва иммуномодуляторлик ва антигипоксик таъсирини аниқлаш натижалари озиқ-овқат кўшимчаларини яратишда катта эмоционал ва жисмоний стресс ҳамда моддалар алмашинувини тўғрилайдиган препаратлар қабул қилувчи спортчилар учун озукавий кўшимчалар яратишда қўлланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Орол денгизи *Artemia* цисталарининг кимёвий таркиби ва оксил-пептид компонентларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*Artemia* цисталарининг насли хайвонлар учун бошланғич озуқа сифатида ишлатиш бўйича тавсиялар «Jasmine Gold Group» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофоза қилиш қўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 02/18-1-116-сон маълумотномаси). Натижада, сунъий шароитда ўстирилган балиқлар учун самарали бошланғич озуқани яратиш имконини берган;

Орол денгизи *Artemia* цисталарининг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларидан Л.Н. Гумилев номидаги Евроосиё Миллий университети томонидан Қозоғистон шўр кўлларида яшовчи *Artemia* цистасидан асосий хусусиятларини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотларида фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси Фан ва Таълим вазирлиги Л.Н. Гумилев номидаги Евроосиё Миллий университетининг 2021 йил 6 февралдаги 03-01-64/6962-сон маълумотномаси). Натижада, Марказий Осиё



регионлари, Қозоғистон ва Сибирь шўр кўлларида яшовчи *Artemia* турларини солиштирма тавсифлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Artemia* цисталарини озиқ-овқат саноатида ва қишлоқ хўжалигида кўллаш истиқболлари» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, Орол денгизидаги *Artemia* популяция кўпайиш сабабларини, *Artemia* туркумининг умумий хусусиятлари, цисталарининг оқсил табиатли бирикмаларининг биологик фаоллиги ва тиббиёт, косметология, аквариум ва саноат балиқ етиштиришда, ёввойи ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини ҳамда паррандалар учун озуқа сифатида фойдаланиш истиқболларига бағишланган.

Диссертациянинг «Орол денгизи *Artemia* цисталари оқсил табиатли бирикмаларини ажратиш ва физик-кимёвий тавсифлаш» деб номланган иккинчи бобида Орол денгизи ва Қозоғистоннинг Павлодар вилояти шўр кўлларида тўпланган *Artemia* цисталарининг умумий кимёвий таркиби, энергия қиймати, оқсил-пептид компонентларини ажратиш ва уларни физик-кимёвий тавсифлаш бўйича илмий тадқиқот натижалари баён этилган.

Оқсилга бой озуқалар етишмаслигининг олдини олиш учун уларнинг ноанъанавий манбаларини, шу жумладан сувда яшайдиган биологик озуқалардан бири – *Artemia* ни кўллаш истиқболлидир. Унинг кимёвий таркиби қисқичбақасимон яшайдиган сув омборининг жойлашган ўрнига ва уни қайта ишлаш технологиясига боғлиқ.

Орол денгизи *Artemia* цисталари таркибида сунъий шароитда ўстирилган балиқ ва қисқичбасимонларнинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши учун зарур бўлган жуда кўп микдордаги оқсил, углевод ва липидлар борлиги аниқланди ҳамда бошланғич озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.

**1-жадвал. *Artemia* цистаси таркиби**

| Намуналар           | Намлиқ микдори, % | Қуруқ модда микдори, % | Қул моддалари микдори, % | Органик моддалар микдори, % |
|---------------------|-------------------|------------------------|--------------------------|-----------------------------|
| <b>Орол денгизи</b> | <b>76,18</b>      | <b>23,82</b>           | <b>9,75</b>              | <b>14,07</b>                |
| Ашитакир кўли       | 81,21             | 18,79                  | 7,08                     | 11,71                       |
| Моилди кўли         | 75,99             | 24,01                  | 9,81                     | 14,21                       |
| Бура кўли           | 79,45             | 20,55                  | 7,70                     | 12,85                       |
| Маралди кўли        | 81,42             | 18,58                  | 7,51                     | 11,07                       |
| Сейитен кўли        | 80,43             | 19,57                  | 6,78                     | 11,79                       |
| Борли кўли          | 76,95             | 23,05                  | 8,91                     | 14,14                       |

**2-жадвал. *Artemia* цистаси ва қисқичбақасининг 100 г қуруқ моддадаги оқсилнинг масса улуши**

| Намуналар           | 100 г қуруқ биомассадаги оқсил микдори, г% |                   |
|---------------------|--|-------------------|
|                     | Қисқичбақа                                 | Циста             |
| <b>Орол денгизи</b> | <b>81,60±0,31</b>                          | <b>49,20±0,36</b> |
| Ашитакир кўли       | 60,49±0,08                                 | 25,63±0,99        |
| Моилди кўли         | 29,77±0,6                                  | 36,00±0,36        |
| Бура кўли           | 44,88±0,16                                 | 43,56±0,09        |
| Маралди кўли        | 38,20±0,55                                 | 37,03±0,09        |
| Сейитен кўли        | 57,95±0,2                                  | 58,38±0,96        |
| Борли кўли          | 37,31±0,06                                 | 53,77±1,77        |

**3-жадвал. *Artemia* цистаси ва қисқичбақасининг 100 г қуруқ моддадаги эркин аминокислоталарнинг масса улуши**

| Намуналар           | 100г қуруқ массадаги эркин аминокислоталар микдори, мг |                    |
|---------------------|--|--------------------|
|                     | Қисқичбақа   | Циста              |
| <b>Орол денгизи</b> | <b>285,93±1,91</b>                                     | <b>335,49±0,41</b> |
| Ашитакир кўли       | 97,57±1,18   | 39,48±0,28         |
| Моилди кўли         | 73,58±0,21   | 39,49±0,13         |
| Бура кўли           | 85,97±0,73   | 115,71±1,11        |
| Маралди кўли        | 130,97±1,22  | 49,50±0,29         |
| Сейитен кўли        | 226,54±3,37  | 95,53±0,73         |
| Борли кўли          | 75,20±0,73   | 50,72±0,32         |

**4-жадвал. *Artemia* цистаси кимёвий таркиби ва 100г қуруқ вазндаги энергетик қиймати**

| Намуналар           | Оқсиллар          | Липидлар           | Углеводлар       | Қул микдори | Энергетик қиймати, ккал/100г |
|---------------------|-------------------|--------------------|------------------|-------------|------------------------------|
| <b>Орол денгизи</b> | <b>49,20±0,36</b> | <b>11,35 ±0,23</b> | <b>30,6±0,21</b> | <b>9,85</b> | <b>432,1</b>                 |
| Ашитакир кўли       | 25,63±0,99        | 8,74±0,35          | 53,6±0,34        | 7,08        | 406,5                        |
| Моилди кўли         | 36,00±0,36        | 4,10±0,27          | 45,09±0,2        | 9,81        | 371,4                        |
| Бура кўли           | 43,56±0,09        | 9,55±0,19          | 33,19±0,5        | 7,70        | 403,9                        |
| Маралди кўли        | 37,03±0,09        | 6,68±0,35          | 43,78±0,1        | 7,51        | 393,8                        |
| Сейитен кўли        | 58,38±0,96        | 10,84±0,45         | 24,05±0,4        | 6,78        | 435,4                        |
| Борли кўли          | 53,77±1,77        | 8,13±0,36          | 29,19±0,3        | 8,91        | 416,5                        |

Минерал моддалар оқсиллар, ёғлар, углеводларва витаминлар билан бир

каторда, тирик тўқималарнинг тузулиши қуриш ва ҳар қандай организмнинг ҳаётининг асосини ташкил этувчи биокимёвий ва физиологик жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган озуканинг муҳим таркибий қисмидир. Микро ва макроэлементларнинг миқдорини аниқлаш индуктив боғланган плазма масс-спектрометрияси (ICP-MS) усули ёрдамида амалга оширилди, бу бир вақтнинг ўзида бир ўлчов доирасида паст аниқлаш чегаралари ва кенг концентрацияли диапозонига эга бўлган 50 тагача элементни аниқлашга имкон беради. *Artemia* цистаси кукуни ва кулининг элементар таркибини ўрганиш 29 та элемент мавжудлигини кўрсатди.

**5-жадвал.** Орол денгизи *Artemia* цистаси макро ва микроэлементлар миқдори ( $M \pm n$ ,  $n=3$ )

| №             | Элемент номи | миқдори, мг/кг  |               |
|---------------|--------------|-----------------|---------------|
|               |              | Циста кукуни    | Циста кули    |
| Макроэлементы |              |                 |               |
| 1             | (Ca)         | 2081,02±17,71   | 25607,7±150,6 |
| 2             | (K)          | 5438,05±23,58   | 67219,1±540,8 |
| 3             | (Mg)         | 1739,51±15,72   | 12025,1±98,35 |
| 4             | (Na)         | 870,393±8,523   | 9552,22±83,23 |
| 5             | (P)          | 8560,612±45,31  | 92579,1±850,1 |
| 6             | (Si)         | 0,89125±0,015   | 12,721±0,985  |
| Микроэлементы |              |                 |               |
| 1             | (Al)         | 153,601±1,573   | 2364,71±20,87 |
| 2             | (As)         | 1,45395±0,095   | 11,1481±0,871 |
| 3             | (Ag)         | 0,152687±0,009  | 1,01935±0,085 |
| 4             | (Ba)         | 6,50094±0,081   | 21,4876±0,752 |
| 5             | (Be)         | 0,016988±0,005  | 0,8912±0,0012 |
| 6             | (Bi)         | 0,957058±0,025  | 13,2913±0,231 |
| 7             | (Cd)         | 0,011798±0,0057 | 0,6815±0,0075 |
| 8             | (Co)         | 0,980075±0,017  | 10,6473±0,812 |
| 9             | (Cr)         | 2,83083±0,025   | 24,6677±0,271 |
| 10            | (Cs)         | 2,51530±0,075   | 22,2596±0,238 |
| 11            | (Cu)         | 7,46502±0,015   | 74,807±0,751  |
| 12            | (Fe)         | 646,810±5,125   | 8491,3±54,23  |
| 13            | (Ga)         | 0,09812±0,0012  | 1,2794±0,0014 |
| 14            | (Li)         | 0,574831±0,085  | 1,9486±0,024  |
| 15            | (Mn)         | 11,2307±0,981   | 117,633±1,124 |
| 16            | (Ni)         | 3,64529±0,0152  | 35,7078±0,214 |
| 17            | (Pb)         | 0,631838±0,0042 | 5,80466±0,035 |
| 18            | (Rb)         | 3,40011±0,0025  | 35,2015±0,234 |
| 19            | (Se)         | 14,6589±0,891   | 90,0198±0,871 |
| 20            | (Sr)         | 39,7572±0,621   | 324,035±3,152 |
| 21            | (Tl)         | 8,29429±0,0125  | 85,2571±0,974 |
| 22            | (V)          | 2,65396±0,048   | 25,1544±0,189 |
| 23            | (Zn)         | 110,989±1,891   | 1296,08±10,85 |

*Artemia* цисталарининг энг муҳим сифат кўрсаткичлари бу уларнинг ўлчами (диаметри), цистадан чиқиш даражаси (100 та тўлиқ таркибли эмирионлардан олиндиған науплийлар сони). Жаҳон бозорида энг оммабоп цисталар диаметри 220-230 мкм ташкил қилади. Тижорат учун унчалик қиммат бўлмаған Эрон цисталари диаметри 260-287 мкм ни, Хитой

цисталари 233-280мкм ни ташкил қилади. *Artemia* цисталарининг чиқиш даражаси, уларни тижорат қийматини ва жаҳон аквакультура бозорида сотиш имкониятини белгилайдиган асосий кўрсаткичдир.

2017 йил март ва апрель ойи бошларида тўпланган Орол денгизи қисқичбақасимон *Artemia* цистасининг энг муҳим хусусиятларини аниқлаш, хом ашёнинг техник таснифларини тўлиқ аниқлайдиган ва техник шартларини сертификатлаш мақсадида ҳамда бизга хизмат қилиши мумкин бўлган зарур тадқиқот дастури ишлаб чиқилди.

Лойиҳалаш хужжатлари ягона тизим (ГОСТ 2.114-97) га биноан Техник шартларни яратиш учун Орол денгизи *Artemia* цистасининг асосий органолептик, техник, кимёвий, физик-кимёвий кўрсаткичларини қуйидаги шаклга қўшган ҳолда стандартлаштиришнинг дастлабки хужжати ишлаб чиқилди. (6-жадвал)


**6-жадвал.** Цисталарнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари

| №  | Кўрсаткичлар номи                       | Орол денгизи <i>Artemia</i> цистаси хусусиятлари ва нормаси  |
|----|---|--|
| 1  | Ташқи кўриниши                          | <i>Artemia</i> цисталари бир хил кўринишдаги ботиқ ярим шарга ўхшаш ўртача диаметри 236,3 мкм дан иборат |
| 2  | Ранги                                   | Оч жигаррангдан тўқ жигарранггача  |
| 3  | Хиди                                    | Сифатли хом ашёнинг ўзига хос хусусияти бошқа хидлар бўлмаган фақат балиқ хидли.                         |
| 4  | Намлиқ масса улуши, %                   | 49,13 (қуритилгандан кейин 10-15%)   |
| 5  | Бегона қўшимчалар, %                    | -  |
| 6  | Бўш қобиқлар миқдори, %                 | 14,0   |
| 7  | Тўлиқ цисталар миқдори, %               | 80,0   |
| 8  | Тирик цисталар миқдори, %               | 74,0   |
| 9  | Ёриқ цисталар миқдори, %                | 6,0  |
| 10 | Науплий чиқиши, %                       | 74,0   |
| 11 | Катталиги (диаметр), мкм                | 236,3 (от 220 до 260мкм)   |
| 12 | 1 г. абс. қуруқ массадаги цисталар сони | 220-230 минг   |
| 13 | Оқсил, %                                | 49,20  |
| 14 | Ёғ, %                                   | 13,16  |
| 15 | Хитин, %                                | 7,5  |
| 16 | Хитозан, %                              | 3,95   |
| 17 | Кул, %                                  | 12,88  |
|    | Минерал моддалар:                       |  |
| 18 | Са, %                                   | 0,45   |
| 19 | Р, %                                    | 2,523  |

Цисталар ёғсизлантирилгандан сўнг, хона ҳароратида 10%  $\text{CH}_3\text{COOH}$  билан 1:5 (хом ашё: эритувчи) ҳажмда 2 соат (3 марта) давомида аралаштирилди. Экстрактлар филтёрлаб олиниб, ацетонда (1:5) нисбатда чўктирилди ва бир кун давомида 4°C да совутгичда сақланади. Чўкма (6000 ай/дақ) 4°C да центрифуга ёрдамида ажратилди ва хона ҳароратида қуритилди. Оқсил миқдори Лоури усули ёрдамида аниқланди.


Элюент сифатида 0.1%  $\text{CH}_3\text{COOH}$  эритмаси ёрдамида оқсил

экстрактнинг гель хроматографияси натижасида 3 та фракция олинди.



**1-расм.** Оқсил экстрактнинг гель хроматографияси (TSK-55 сорбентли колонка (16мм×200мм). 0,1%  $\text{CH}_3\text{COOH}$  ли буфер, рН 7,8. Оқим тезлиги 0,5 мл/мин, тўлқин узунлиги 280 нм).

Оқсилнинг бирламчи тузилиши масс-спектрометрия усули ёрдамида тадқиқ қилинди. Бунинг учун электрофорез гелидаги тегишли доғлар (2-расм, 6-, 7-қаторлар) кесиб олиниб оқсилдаги цистеин боғлар дитиотреитол ёрдамида сульфгидрил гуруҳларигача қайтарилди ва йодацетамид ёрдамида карбоксиметилланди. Трипсин билан гидролиз қилиниб олинган пептидлар 0.1% ли учфторсирка кислота ёрдамида экстракция қилинди. Намунадан олинган пептидлар Agilent Technologies CHIP-LC-MS Q-TOF 6520V масс-спектрометрида таҳлил қилинди. Натижада ҳар бир доғ учун пептид фрагментларининг аминокислота кетма-кетликлари идентификацияланди.




**2-расм.** Электрофорез гели 1. 0.1М  $\text{H}_3\text{PO}_4$  олинган экстракт. 2. 0.1М  $\text{HCl}$  олинган экстракт. 3. 10%  $\text{CH}_3\text{COOH}$  олинган экстракт 4. Маркер, 5. 1-фракция 6. 2-фракция 7. 3-фракция.


2-намуна учун 13 та фрагментар пептидлар идентификацияланди. Тадқиқотлар натижасида, ўрганилаётган оқсилнинг триптик гидролизат

пептидларидан иборат бирламчи тузилиши таркибида 241 та аминокислота мавжуд эканлиги аниқланди.

Идентификацияланган аминокислота кетма-кетликлари NCBI маълумотлар базасида ўрганилди. Тадқиқотлар бу оқсилнинг бирламчи тузилиши Полиубиквитин оқсилларига қисман гомолог эканлиги, тузилиши ва таъсир қилиш услуби билан ҳам бир-бирига ўхшаш консерватив оқсиллар оиласи тегишли эканлигини кўрсатди.



**3-расм.** Полиубиквитинга мос келадиган *Artemia* полиубиквитин оқсилининг қисман аминокислоталар кетма-кетлиги.



**4-расм.** Учламчи тузилиш. (A) Полиубиквитин *Artemia parthenogenetica*; (Б) Полиубиквитин

Полиубиквитинга ўхшаш оқсиллар протеолиздан тортиб ДНК зарарланишигача бўлган кўплаб биологик жараёнларни тартибга солади. Полиубиквитин типидagi кўплаб ферментларнинг функционал ўзига хослиги алоҳида убиквитин полипептидларининг ҳосил бўлишини катализлайди. Ҳосил бўлган янги полипептидлар эса ўз навбатида турли хил сигнал жараёнларида иштирок этади.


3-намуна учун аминокислоталар кетма-кетлиги Spectrum Mill дастури ёрдамида аниқланди ва дастурий таъминот базасида мавжуд бўлган оқсилларнинг масс-спектрлари билан таққосланди. Натижада 90 та фрагментар пептидлар идентификацияланди ва NCBI маълумотлар базасида таҳлил қилинди.

NCBI маълумотлар базасидаги таҳлиллар натижасида, фрагментар пептидлар илгари бошқа *Artemia* турларининг цисталарида топилган 13 та оқсилнинг тузилишига мос келиши аниқланди.

**7-жадвал.** NCBI маълумотлар базасида идентификацияланган фрагментар пептидлар

| №  | Масс-спектор таҳлили бўйича аниқланган аминокислота кетма-кетлиги | Мослик кўр. | Оқсиллар номи/ NCBI аннотацияси                                |
|----|---|-------------|--|
| 1  | RAVPMPEGLPEDIDKGEVNPRD  | 100%        | Элонгация омили-2, [ <i>Artemia salina</i> ]                   |
| 2  | KSYELPDGQVITIGNERF  | 100%        | Актин, [ <i>Artemia sp.</i> ]                                  |
| 3  | KGILAADESTATIGKR  | 100%        | Фуруктоза 1,6-бифосфат алдолаза [ <i>artemia franciscana</i> ] |
| 4  | RIVPIVEPEVLPDGDHDLDR  | 90%         | Фуруктоза 1,6-бифосфат алдолаза [ <i>artemia franciscana</i> ] |
| 5  | KTITLEVEPSDTIENVKA  | 100%        | Убикитин бирлиги IV [ <i>artemia franciscana</i> ]             |
| 6  | KSYELPDGQVITIGNERF  | 100%        | Бета-актин [ <i>artemia franciscana</i> ]                      |
| 7  | KTITLEVEPSDTIENVKA  | 100%        | Убикитин бирлиги [ <i>artemia franciscana</i> ]                |
| 8  | RKGEQDIPGITDVTVPKR  | 100%        | Рибосомал оқсил S6 [ <i>artemia franciscana</i> ]              |
| 9  | KIAGLEVLRIINEPTAAALAFGLDKVKK                                      | 92%         | Иссиқлик зарбаси оқсил 70 [ <i>artemia urmiana</i> ]           |
| 10 | RLGVEGLLKM  | 90%         | NADH дегидрогеназа суббирлик 5 [ <i>Artemia sinica</i> ]       |
| 11 | KIGGIGTVPVGRV   | 100%        | Элонгация омили 1-алфа [ <i>Artemia salina</i> ]               |
| 12 | KYIQATDASEAAAEAVEEKL  | 100%        | Актин деполимерланиш омили [ <i>Artemia franciscana</i> ]      |
| 13 | RSGEEIPEWFAFKSVVDVLR  | 93%         | Дисер-1 [ <i>Artemia franciscana</i> ]                         |

**Элонгация омили-2** Орол денгизи *Artemia* сида идентификацияланган соҳа, *Artemia salina* нинг Элонгация омили-2 соҳаси билан гомологик ҳисобланади.




**5-расм.** *Artemia salina* нинг Элонгация омили-2 билан Орол денгизи *Artemia* сининг Элонгация омили -2 нинг учламчи тузилиши таққослаш.

Цисталанган *Artemia salina* эмбрионларида оқсил синтезини ингибиторлари мавжуд бўлиб у трансляцияни бошқариш учун муҳим ва *Artemia* ривожланишининг дастлабки босқичида оқсил синтезининг регуляциясида асосий вазифани бажаради.

**Актин.** Орол денгизи *Artemia* сининг идентификацияланган оқсилларнинг икки соҳа, *Artemia franciscana* Актин изоформаси соҳасига ўхшаш.


Актинлар барча эукариот ҳужайраларда экспрессияланувчи ва ҳужайраларнинг ҳаракатланиши ҳамда кўчишида иштирок этуви юқори консерватив оқсиллардир. *Artemia* ривожланиши давомида Актинларнинг 4 та изоформаси экспрессияланади. Кўп сондаги изоформалари ҳужайранинг ситосклет тузилиши, ҳужайранинг ҳаракатчанлиги, хромасомаларнинг ҳаракатланиши ва мушакларнинг қисқариши каби турли хил функцияларда иштирок этади.





**6-расм.** *Artemia franciscana*. нинг Актин изоформаси билан Орол денгизи *Artemia* Актин соҳасининг учламчи тузилишини таққослаш.


**Фруктоза 1,6-бифосфат алдолаза.** Орол денгизи *Artemia* сйда идентификацияланган 2та соҳа, *Artemia franciscana* нинг Фруктоза 1,6-бифосфат алдолаза соҳаси билан гомологик эканлиги аниқланди.



**7-расм.** *Artemia franciscana* нинг Фруктоза 1,6-бифосфат алдолазаси билан Орол денгизи *Artemia* Фруктоза 1,6-бифосфат алдолаза соҳасининг учламчи тузилишини таққослаш.

Фруктоза 1,6-бифосфат алдолаза – *Artemia* таркибидаги гликолитик консерватив фермент. Фруктоза 1,6-бифосфат алдолаза – бу Embden-Meyerhof-Parnassus (EMP) гликолитик йўлида ва глюконеогенезда иштирок этадиган фермент.

**Убиквитин бирлиги IV.** Орол денгизи *Artemia* сйда идентификацияланган 2та соҳа, *Artemia franciscana* нинг Убиквитин бирлиги IV соҳаси билан гомологик эканлиги аниқланди.




**8-расм.** *Artemia franciscana* нинг Убикитин бирлиги IV оқили билан Орол денгизи *Artemia* Убикитин бирлиги IV оқили соҳасининг учламчи тузилишини таққослаш.

**Убикитин бирлиги IV оқили** – оқилларнинг ковалент модификатори ҳисобланади шу жумладан ўзининг ҳам. Убикитин бирлиги IV тизими кенг қўлланилиш соҳасига эга: ген экспрессиясини кучайтириш ёки стресс таъсирида оқсил миқдорини тартибга солиш учун таркибий қисм сифатида



кенг қўлланилади. Убикитин бирлиги IV  $\beta$  – бурмаларни тутувчи оқсил ҳисобланиб, 3,5 шохланувчи амфипатик  $\alpha$ -спирал ва 3та қисқа спиралдан, ҳамда еттита тескари шохланган бешта  $\beta$  – структурадан иборат.

**S6 Рибосомал оқсил.** идентификацияланган соҳа *Artemia franciscana* нинг S6 Рибосомал оқсил соҳаси билан гомологик эканлиги аниқланди.





RKGEQDIPGITDVTVPKR

**9-расм.** *Artemia franciscana* нинг S6 Рибосомал оқсили билан Орол денгизи *Artemia* S6 Рибосомал оқсил соҳасининг учламчи тузилишини таққослаш.

*Artemia* нинг ухлаб ётган цисталари таркибида метаболик ва физиологик жиҳатдан фаол бўлмаган қуритилган гастроллар мавжуд. Регидрациядан сўнг, ҳужайралар бўлинишининг тўлиқ йўқлигида оқсил экспрессиянинг ўзгариши туфайли эмбрионлар ривожланишини давом эттиради. Сут эмизувчиларда Рибосомал S6 p70 (p70S6k) киназининг фаоллашуви трансляцияни бошқаришда хусусан mRNK полипиримидин трактларини трансляциясини 5'-бошланғич сайт билан селектив оширишда иштирок этади.

**Иссиқлик зарбаси оқсили 70.** Иссиқлик зарбаси оқсили кетма-кетлигининг идентификацияланган соҳаси *Artemia umirana* нинг Иссиқлик зарбаси оқсили 70 билан гомологик эканлиги аниқланди.



AIAGLNVLRIINEPTAAAIAYGLDKKTV KIAGLEVLRIINEPTAAALAFGLDKVKK

**10-расм.** *Artemia umirana* нинг Иссиқлик зарбаси оқсил 70 и билан Орол денгизи *Artemia* Иссиқлик зарбаси оқсил соҳасининг учламчи тузилини таққослаш.

Иссиқлик зарбаси оқсил 70 (Изо70) – бу стрессга жавобан ифода этилган молекуладир. Ушбу ролда Изо70 ўзининг оқсил субстратлари билан боғланади ва шароитлар яхшиланмагунча уларни денатурация ёки агрегациядан барқарорлаштиради. Стресс ҳолатга жавоб бериш функциялардан ташқари, Изо70 нормал ўсишда бир нечта функцияларни бажаради: у янги синтез қилинган оқсилларнинг учламчи тузулишини ҳосил бўлишига, оқсилларни везикула транспортига, комплексларнинг ҳосил


бўлишига ва диссоциациясига, кераксиз оксилларнинг деградациясига ёрдам беради. Шундай қилиб, ушбу оксил нормал ва стрессли шароитларда сифат назорати ва оксил алмашинувини бошқариш орқали оксил гомеостазини шакллантиради. Ушбу хилма-хил фаолиятга мувофиқ генетик ва биокимёвий тадқиқотлар унинг бир қатор касалликларга, шу жумладан саратон, нейродегенерация, аллотрансплантантни инкор этиш ва инфекцияга алоқадорлигини аниқлади.

Изо70 ўзининг бактериал физиологиядаги ролидан ташқари, мезбоннинг иммунологик реакциялари ва ҳужайралараро ўзаро таъсир учун ҳам муҳимдир. Масалан *S. Choleraesuis* нинг вирусли шакли билан касалланган сут эмизувчилар ҳужайраларида Изо70 даражаси TNF-а таъсирида ҳужайралар ўлимининг кўпайиши билан ўзаро боғлиқ. Изо70 ва бошқа иссиқлик зарбаси оксиллари ИКК сигналларини узатишда, эндоцитлар кўчириш ҳамда иммун ҳужайралари фаоллашишида ва бошқарилишида муҳим роль ўйнайди.

**NADH дегидрогеназининг 5-суббирлиги (митохондрия).** Идентификацияланган суббирлик *Artemia sinica* нинг митохондриял мембранаси НАДН-дегидрогеназа (комплекс I) нафас олиш занжирининг кўшимча суббирлиги билан гомологдир.

Комплекс I электронларни НАДН дан нафас олиш занжирига ўтказишда иштирок этади. Убихинон ферментининг тўғридан-тўғри электрон ацептори ҳисобланади.

**Elongation factor 1-alpha.** Идентификацияланган суббирлик *Artemia salina* нинг 1-алфа Элонгация омили билан гомологдир.





KIGGIGTVPVGRV

**11-расм.** *Artemia salina* нинг 1-алфа Элонгация омили билан Орол денгизи *Artemia* 1-алфа Элонгация омили соҳасининг учламчи тузилишини таққослаш.

1-алфа Элонгация омили оксил биосинтезининг элонгация босқичида рибосома билан аминоксил- tRNK нинг маҳсус таъсирини тартибга солади.

**Актин-деполимерланиш омили.** Актин-деполимерланиш омили (АДО) оксилнинг идентификацияланган соҳаси *Artemia franciscana* нинг АДО фрагменти билан гомологдир.

Актин-деполимерланиш омили (АДО)/ кофилинлар барча эукариотларда мавжуд бўлган кичик актин боғловчи оксиллардир. In vitro АДО / кофилинлар актин филаментларини деполмерлаш ва узиш орқали актин динамикасини ривожлантиради. Сут эмизувчиларнинг АДО / кофилинлар-1 лари актин филаментлари деполмерланиши ҳисобига цитосклет динамикасини ривожлантиради.



KYIQATDASEAAAEAVEEKL

**12-расм.** *Artemia franciscana* нинг актин-деполимерланиш омили билан Орол денгизи *Artemia* актин-деполимерланиш омили соҳасининг учламчи тузилини таққослаш.

**Дисер-1.** Идентификацияланган фрагмент *Artemia franciscana* нинг Дисер-1 фрагментига нисбатан 93 % гомологик эканлиги аниқланди.

Дисер – бу RNase III оиласига мансуб рибонуклеаза бўлиб, у икки занжирли РНК ва пре-микроРНК (pre-miRNA) молекулаларини кесиб, мос равишда интерферирловчи РНК (siRNA) ва микроРНК (miRNA) деб номланувчи қисқа икки занжирли РНК-фрагментларни ҳосил қилади. Ушбу қисмлар узунлиги тахминан 20-25 нуклеотидни ташкил этади, одатда 3'-охирида 2-3 нуклеотиддан иборат оверхенг мавжуд бўлади.

Дисер таркибида иккита RNase III домени ва битта PAZ домени мавжуд. Молекуладаги ушбу қисмлар орасидаги масофа боғловчи ҳалқанинг узунлиги ва бурчаги билан аниқланади ҳамда ҳосил бўлган siRNK узунлигини белгилайди. Дисер RNK интерферентацияси жараёнининг биринчи босқичини катализлайди ва RISC (RNK томонидан индукция қилинган комплекс) нинг ҳосил бўлишини иницирлайди, унинг каталитик компоненти бўлган Argonaute оқили siRNA етакчи занжирига комплементар бўлган мРНК ни деградацияловчи эндонуклеазадир.

Шундай қилиб, Орол денгизининг *Artemia* цисталари таркибини ўрганиш натижасида Полиубиквитин оқилининг аминокислота кетма-кетлиги ва *Artemia* цисталарининг бошқа турларидан илгари ажратиб олинган оқсилларга гомолог бўлган 13 фрагментар пептидлар аниқланди.

Диссертациянинг «**Орол денгизи *Artemia* цисталари оқсил табиатли бирикмаларининг биологик фаоллиги**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институти ва Қозоғистон Республикаси Л.Н.Гумилов номидаги ЕМУ фармакология лабораторияси ходимлари билан биргаликда биологик фаолликни ўрганиш натижалари келтирилган.

*Artemia* цисталари оқсил табиатли бирикмаларини фармако-токсикологик тадқиқотлар асосида, препарат IV кам захарли бўлган бирикмалар синфига кириши кўрсатилди. LD<sub>50</sub> – сичқонлар ва каламушларга оғиз орқали юборилганда 5000 мг/кг дан юқори бўлди. Препарат кумулятив, аллергия чақириш ва безовта қилувчи таъсирга эга эмас. У экспериментал ҳайвонларда иммунитет тизимини рағбатлантирувчи таъсирга эга, шу билан бирга, организмнинг ўзига хос бўлмаган қаршилигини ҳамда хужайра ва гуморал иммунитетини оширади. Келиб чиқиши турли бўлган гипоксияга қарши сичқонларнинг чидамлилигини ошириб, антигипоксик фаолликка эга. Препарат компонентлари коразол ва стрихнин томонидан чақирилган

тутқаноқ ҳаракатларига таъсир қилмайди, яширин даврни оширади ва тутқаноқлик фаолликни юмшатади. Стресс протекторлик таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, маълум бир концентрациядаги таркибий қисмлар стресс протекторлик таъсирини оширади.

Шундай қилиб, *Artemia* цистаси оқсил табиатли бирикмалари асосида катта эмоционал ва жисмоний стресс ҳамда фармацевтик препаратлар таъсиридаги спортчилар учун модда алмашинувини яхшилайдиган биологик фаол қўшимча яратиш мумкин.

Диссертациянинг «**Оқсил табиатли табиий бирикмаларнинг тадқиқот усуллари, материаллари, биологик фаоллиги ва фармако-токсикологияси**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотларда фойдаланилган реактив ва қурилмалар, ажратиш усуллари, тузилиш ва биологик хоссаларни, фармако-токсикологик хусусиятларни тадқиқ қилиш усуллари баён этилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Орол денгизи *Artemia* цисталаринининг кимёвий таркиби Қозоғистоннинг Павлодар вилояти тузли кўлларидаги *Artemia* турларининг қиёсий ўрганилди ва Орол денгизи *Artemia* цисталари таркибида сунъий шароитда ўстирилган балиқ ва қисқичбақасимонлар ўсиши, ривожланиши ва вояга етиши учун зарур бўлган жуда кўп миқдордаги оқсил, углевод, липидлар мавжудлиги ҳамда самарали бошланғич озуқа сифатида кўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

2. Орол денгизи *Artemia* цисталарининг асосий органолептик, кимёвий ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш ҳужжати ишлаб чиқилди ва у хом ашёнинг техник хусусиятларини белгилайди.

3. Илк бор Орол денгизи *Artemia* цисталаридан кўплаб биологик жараёнларни тартибга солувчи, Полиубикуитинга ўхшаш юқори консерватив оқсиллар оиласига гомолог бўлган оқсил идентификацияланди.

4. Илк бор Орол денгизи *Artemia* цисталаридан элонгация омили, актин, иссиқлик зарбаси оқсилларига гомологик бўлган ҳужайранинг турли хил функцияларида иштирок этувчи, ривожланишнинг дастлабки босқичида ва стресс ҳолатида оқсил синтезини тартибга солувчи оқсиллар идентификация қилинди.

5. Биологик фаолликни ўрганиш натижасида Орол денгизининг *Artemia* цисталарининг асосий оқсил-пептид компонентлари иммуностимулловчи ва антигипоксик хусусиятларга эга эканлиги, келиб чиқиши турлича бўлган гипоксияга чидамлилиги, метоболизмни тўғрилайдигин катта эмоционал ва жисмоний стресс ҳамда моддалар алмашинувини тўғрилайдиган препаратлар қабул қилувчи спортчилар учун озуқавий қўшимчалар яратишда кўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

**ХАЖИБАЕВ ҚУВВАТ ҒАНИЕВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА И БИОЛОГИЧЕСКОЙ  
АКТИВНОСТИ СОЕДИНЕНИЙ БЕЛКОВОЙ ПРИРОДЫ ЦИСТ  
*ARTEMIA* АРАЛЬСКОГО МОРЯ**

**02.00.10 - Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/K351.

Диссертация выполнена в Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Ощепкова Юлия Игоревна  
доктор химических наук, старший научный сотрудник

**Официальные оппоненты:** Гафуров Махмуджон Бакиевич  
доктор химических наук, старший научный сотрудник

Рамазанов Нурмурод Шералиевич  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:** Центр переловых технологий

Защита диссертации состоится «15» 07 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под №437). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «30» 06 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № «4» от 30.06 2021 г).



**Ш.И.Салихов**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик

**Ш.А.Шомуротов**  
Ученого секретаря Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н.

**М.Б.Гафуров**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н.



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, в последние годы широко развивается новое направление в пищевой промышленности, так называемое функциональное питание. Оно способствует улучшению и сохранению здоровья путем обеспечения организма необходимыми питательными веществами, в том числе обогащенными различными биологически активными пищевыми добавками. К их числу относятся продукты, за счет которых обеспечивается 25% потребности в белках животного происхождения, определяющих большое значение в питании человека. Известно, что цисты артемии содержат более 40% общего белка и биологически активных веществ, использование которых позволяет создавать многие биологически активные добавки (БАД), функциональные продукты питания. Кроме того, использование цист артемии играет важную роль в повышении эффективности ветеринарных препаратов, парфюмерии, косметологии и средств гигиены.

В настоящее время в мире, проводятся научные исследования по изучению структуры и активности БАД из природных источников с целью предотвращения ухудшения рационального питания, вызванных как кризисным состоянием производства продовольственного сырья и пищевых продуктов, так и резким снижением покупательной способности большей части населения страны. В связи с этим в создании БАД исследованию органолептических и физико-химических свойств качества цист артемии; разделению белково-пептидных компонентов и определению их физико-химических свойств; изучению биологической и фармакотоксикологической активности изолированных компонентов уделяется особое внимание.

В нашей стране особое внимание уделяется созданию высококачественных, гигиенически благополучных продуктов традиционных видов, включая лечебно-профилактического назначения, для отдельных групп населения и достигаются определенные научные результаты. В связи с этим 4-м направлением Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «По дальнейшему развитию фармацевтической отрасли, совершенствованию обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными средствами»<sup>1</sup> определены важные задачи. В связи с этим важно изучить биологически активные вещества в составе цист *Artemia* Аральского моря, изучить их разделение, очистку, структуру и биологическую активность, создание на их основе новых, эффективных пищевых добавок и лекарственных препаратов.

Диссертационное исследование в определённой степени соответствует решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 ноября 2017 года, УП-№5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.**

